

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг

М У Р О Ж А А Т И

Хурматли ҳамкасблар !

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 11 май куни имзоланган ПҚ-2966 сонли Қарори билан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг фаолияти ташкил этилган бўлиб, ўтган даврда ўрмончилик соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳар доим ўз фаолиятини, ўзининг мажбуриятларини садоқат билан бажаради, қонунчиликка қатъий амал қилади, ҳалоллик, очиқлик ва корпоратив маданиятини қуришга катта эътибор қаратади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Ҳаракатлар стратегияси ва мамлакатимизнинг глобал барқарор ривожланиш мақсадлари доирасидаги мажбуриятлари, шунингдек, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига, 2010 йили иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракат режасига қўшилиши – коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, ҳозирги кунда мамлакатимизда БМТ тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда коррупцияга самарали, ҳисобдор ва ошқора бошқарув институтлари орқали қарши курашиш” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида мазкур лойиҳани амалга оширишда ҳамда коррупцияга қарши курашни назорат қилиш тизимини самарали амалга ошириш учун бор кучимизни ишга соламыз.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси коррупцион ҳаракатларнинг ҳар қандай шакли ва кўринишларини рад этади, қўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга нисбатан кескин муросасизлик шаклланишини таъминлайди. Қўмита коррупцияга қарши курашишга қаратилган ички меъёрий ҳужжатлар ва тартиб-қоидалар, жумладан коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Ахлоқ кодекси, коррупцияга қарши манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати бўйича ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қабул қилди. Шунингдек, Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши компаенс назорат хизмати ташкил этилди. Компаенс назорат хизматининг асосий вазифаси тизимда коррупциявий ҳолатларни юзага келиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини ишлаб чиқиш, ишчи-

ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, коррупция хавфи мавжуд бўлган ҳолларда маслаҳат бериш ва унга қарши курашишни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Қўмита ва тизим ташкилотларимизда коррупцияга қарши тизимни яратиш мураккаб жараён бўлсада, бу тизим муҳим ва зарурдир. Ҳар биримиз бу ишда нафақат мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига онгли равишда риоя қиламиз, балки бу ишга инсонийлик бурчимиз сифатида қараймиз – ўзимиз ва жамиятимизнинг ривожини учун амалга оширамиз. Пировардида фарзандларимиз ва давлатимизнинг барча фуқаролари фахрланадиган, қонун ҳужжатлари устувор бўлган мамлакатда яшаймиз.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси коррупцияга қарши талаблар ва ахлоқий меъёрларга асосланган вазифалар ва қўмита буйруқларининг тўғри бажарилишини кафолатлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбларимиз ва юртдошларимизни иш юритиш стандартларига, коррупцияга қарши тамойилларга оғишмай риоя қилишга, ҳар қандай эҳтимолий қонунбузарликлар ҳақида хабар беришга ва агар шубҳа туғилса, саволлар билан муурожаат қилишга яна бир бор чорлаймиз.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси коррупцияга қарши талаблар ва ахлоқий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда ўз зиммасига олган мажбуриятларни виждонан бажаради, қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилади, тенг рақобат тамойилларига амал қилади, ҳалоллик, очиқликнинг корпоратив маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Коррупцияга қарши курашиш барчамизнинг умумий ишимиз ва маслагимизга айланмоғи даркор. Бу ишда барчани биргаликда курашишга чақираман !

Ҳурмат билан,

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси



Н.Бакиров

№ 77 20.06.2022

